

*Усмон ҚЎЧҚОР*

# КУЗНИНГ НАФАСИДАН САРҒАЙДИ БОҒЛАР...

*Ишқ — жунун,*
*сўнгандан кейин англанган,*
*На илож, ишқ —*
*Ҳақдан тортиқ деганлар.*
*Авжланар сув сепган сайин аланга,*
*Қаттиқроқ куяди қаттиқ севганлар.*

*Қандай савдоларга беланди бошим,*
*Оҳ, қачон бу юрак тошга айланар.*
*Ичимдан бир исён келади тошиб,*
*Бу исён кўзимда ёшга айланар.*

*Ошиқнинг аҳволи феълидан аён,*
*Кўрганлар ачиниб кетади нари.*
*Бу шўрлик қавмга минг йилдан буён*
*Ёлғон бир тасалли: “Ўтади бари...”*

*Оҳимдан муҳит бир силтанади-да,*
*Тоғдан пастга қақшаб қуйилар тошлар.*
*Ишқнинг бу ишвакор салтанатида*
*Ёлғон ростга ўхшаб*
*туюла бошлар...*

* * *

*Сочларинг бунча ҳам қора,*
*суюклим,*
*Ялдо кўчасини қўшиб ўрдингми?*
*Кўзларинг ундан минг бора,*
*суюклим,*
*Қорадир...*
*Мен кўрган кунни кўрдингми?*

*Ўзга рангни қандоқ топай улгуриб,*
*Ҳаёт-мамот деган вақт орасида.*
*Сочингу кўзингга термулиб туриб*
*Куйламоқ қийиндир*
*бахт борасида...*

* * *

*Кузнинг нафасидан сарғайди боғлар,*
*Дунё хотиротдай қолди тиниқиб.*
*Кўкка ҳадиксираб қарайди тоғлар,*
*Сунбула хаёлга толди синиқиб.*

*Самовий чанглардан Ой тортар хира,*
*Сувости тошидай жимжитдир олам.*
*Фақат шовва қўшиқ айтар шарқираб,*
*Юракдаги гулни чимчийди алам.*

*Манзилга оз қолди. Вақт араваси*
*Кечса бас кеч кузнинг азоб кўпригин.*
*Йўқдек бахтсизлигу бахтга парвоси —*
*Секин юмаётир*
*офтоб кипригин...*

* * *

*Сарҳисоб умрга*
*ташларкан назар,*
*Разм солар экан*
*ғаш-ла Ҳиротга,*
*Ҳазрат қилмоқ бўлди*
*Ҳаж сари сафар...*
*Ҳар гал бу сафари*
*ташланди ортга.*
*Ҳазрат тайёр эди*
*Буюк тавбага,*
*Бойқаро раъйин ҳам,*
*балки,*
*енгарди.*
*Қўйиб юбормади уни*
*Каъбага*
*Ҳасрат чекиб ётган*
*улуснинг дарди...*

* * *

*Замин беражакдир*
*баҳорга ҳисоб —*
*Ким яшашга ҳақли.*
*Ким чириб битар.*
*Ҳисоб бермагай ҳар ғаддорга Исо,*
*Хоинини чоғир ичириб кутар.*

*Баҳор!*
*Эй Оллоҳнинг уйғониш даври,*
*Фош этдинг аёну ниҳонларни ҳам.*
*Уйғотиб юбординг Ҳут,*
*Ҳамал, Савру*
*Чумоли, чаёну илонларни ҳам.*

*Мағзини сабрдек асради расо —*
*Буғдой ўз қобиғин ёрар кўкариб.*
*Ўзин ўлимига ҳазрати Исо*
*Ўзининг хочини борар кўтариб...*

* * *

*Галги мингйилликка*
*киргач янгидан,*
*Дунё юпунлашди,*
*дунё ўнгиди.*
*Вақт хийла ҳориган,*
*Даврон — гангиган,*
*Ҳаётнинг кўзлари чўкди,*
*тўнгиди.*
*Қон кечган тарихнинг*
*кир туғларидан*
*Жазиллаб томади*
*ваҳшат мойлари.*
*Кўринар*
*дунёнинг*
*йиртиқларидан*
*Башариятнинг*
*уят жойлари...*

**Ёқуб АҲМАДЖОНОВ**

# САРҲИСОБ МАНЗИЛИ



### БАҒИШЛОВ

Буғотдаги музлар эримай туриб,
Шудгордан оқ қорлар аримай туриб,
Баҳорни соғинар тушида кўриб,
Ризқу насибаси ҳалол деҳқоним,
Одамзод наслига тимсол деҳқоним.

Кўкламда турналар ортига қайтар,
Қаҳратон ғуборин саболар ҳайдар,
Ниҳоли кўкарса шукрона айтар,
Ризқу насибаси ҳалол деҳқоним,
Одамзод наслига тимсол деҳқоним.

Заминга дил берган бобом ўзингсан,
Бузрукворлар айтган калом ўзингсан,
Навоий мадҳ этган зот ҳам ўзингсан,
Ризқу насибаси ҳалол деҳқоним,
Одамзод наслига тимсол деҳқоним.

Дейдилар: яхшига муносиб жаннат,
Руҳингга бегона иғво, маломат,
Сенинг бор ҳаётинг гўё ибодат,
Ризқу насибаси ҳалол деҳқоним,
Одамзод наслига тимсол деҳқоним.

### ЎГИТ

Сен фақир дилини оғритма зинҳор,
Пул деган нарса бу қўлнинг киридир.
Умримиз сўнгида қандай кунлар бор,
Бу ёлғиз Аллоҳнинг пинҳон сиридир.

Мабодо ўшал зот қилса ирода,
Қорунлар бойлиги ғойиб бўлади.

Отлиқлар кўчада қолар пиёда,
Ночорлар юртнинг энг бойи бўлади.

Холиқи оламнинг лутф-карами мўл,
Кучу қудратининг йўқдир поёни.
Истаса шоҳ бўлур Юсуф каби қул,
Мусонинг ҳассаси ёрар дарёни.

### ШУКРОНА

Дунё работида кўп турмас карвон,
Бизга ўткинчилик азал қисматдир.
Тазарру фаслига етибсан омон,
Билсанг, бу илоҳий бир марҳаматдир.

### ОТА ҚОЗОНИ

Отангдек суянч тоғ бўлолмас ҳеч ким,
Отангдек тўкин боғ бўлолмас ҳеч ким,
Бировнинг қасрига сиғарсан уч кун,
Отангнинг айвони беминнат фақат.

Дунё деганлари бир улкан бозор,
Қаерига борма тарозу тайёр,
Миннатли паловда заҳар таъми бор,
Отангнинг қозони беминнат фақат.

Ҳою ҳавасларга сен кўнгил қўйма,
Таъналар ўтида оқибат куйма,
Амакингнинг зарбоф тўнини кийма,
Отангнинг қозони беминнат фақат.

Оқил ҳеч ўгирмас охиратдан юз,
Қиблани англатар Ота деган сўз,
Худодан умрини тилагин, эй дўст,
Отангнинг даврони беминнат фақат.

### ФАНО САНОҒИ

Дунёнинг ишлари қизиқ, ажойиб,
Ҳар киши мисқолин ботмон санайди.
Қайсидир ўрмондан шер бўлса ғойиб,
Тулкилар ўзини арслон санайди.

Хиралар ҳамиша довруққа толиб,
Гоҳ хўтик келади тулпордан ғолиб,
Баъзан қумри, булбул бир четда қолиб,
Қарғалар ўзини хушхон санайди.

Ғофилга Намруднинг арвоҳи ҳомий,
Гўё унга етмас жаҳаннам коми,
Омонат кулбанинг омонат томи,
Ўзини мисоли осмон санайди.

Агар нафс юксалса, иймон тушар паст,
Нафс этар соҳибин бир кун хору хас,
Охират борлигин унутса ҳар кас,
Инсофли бандани нодон санайди.

Эй Одам зурёди, охиринг ёд қил,
Сарҳисоб манзили энг сўнгги манзил,
Фаришта аталмиш икки муаккил
Савобу гуноҳинг пинҳон санайди.




**Мақсуд ҚОРИЕВ**

# АЛЛОМАЛАР АНЖУМАНИ

## “Ибн Сино” тарихий романидан парча

Хоразмшоҳ саройи бугун ҳам гавжум. Бунда барча илм, маърифат аҳли жамулжам. Олиму фузалолар билан бирга шоиру ғазалхонлар, мусиқачилар, хонандалар, гўзал раққосалар ташриф буюришган. Саройга файз киргандай.

Мажлиси уламо кенгашидан сўнг катта базм бўлади. Хоразм ҳукмдори Абул Аббос Маъмун бағрикенг, заковатли шоҳ. Саройга олиму оқилларни йиғиб, Мажлиси Уламо деган маърифат маркази яратди. Қай шаҳар, қай вилоятда ном чиқарган, илм маърифатга ружу қўйган олим, шоир, табиб, файласуф, юлдузшунос бўлса, уларнинг барчасини турли йўллар билан Гурганжга олдириб келиб, жоиз шароитлар яратиб берди.

Шоҳнинг узоқни кўрадиган, илм аҳлига ён босадиган, ўзи ҳам аллома бўлган Абул Ҳусайн ибн Муҳаммад ас-Саҳлий деган вазири бўлиб, у мамлакатда нуфузи юқори, мустақил сиёсат олиб борувчи арбоб эди. Давлатмандлиги боисидан Бағдод халифалигидаги сингари вазирликни ҳам ворислик йўли билан олганди. Унинг фикрича, Хоразмшоҳ салтанати билан ёнма-ён вазирлик салтанати ҳам мавжуд бўлиши керак. Шунинг учун ҳам вазири аъзам саройда ўзича мустақил иш олиб борар, Маъмун ҳам унинг фикрлари билан келишиб ишлар, айни чоқда, вазир ҳам, шоҳ ҳам мувозанатни бошқариб туришга ҳаракат қилишар эди. Вазири аъзам Хоразм дорилфунунини тузишда ҳаммадан кўп хизмат қилди. Шоҳнинг ҳам, вазирнинг ҳам фикри шундай: агар салтанат атрофида ақлли, маърифатли кишилар йиғилса, бундай мамлакат қудратли, адолатли бўлур.

Бугун ҳашаматли саройда катта анжуман тўпланади. Унинг ташаббускори ҳам вазири аъзамнинг ўзи. Гурганжга Ибн Синонинг келиши уламолар анжуманига янада улуғворлик, салобат бахш этгусидир. Вазири аъзам шу баҳона бухоролик файласуф ва ҳакимни Маъмунга таништириб, кейин ундан оқ фотиҳа олмоқчи. Қолаверса, Ибн Синони Гурганжда олиб қолмоқчи, бунинг учун шоҳнинг эътибори, ҳиммати даркор.

Сарой шу қадар ҳашаматли, улуғвор эдики, бўсағасию эшикларидан тортиб то хоналарининг безакларигача, барчасини санъат мўъжизаси дейсиз. Деворлардаги суратлар, устун, девор ва шифтлардаги ўймакорлик кишини ҳайратга солади.

Саройга кираверишдаги махсус шоҳсупада бир гуруҳ машшоқлар давра қуриб Хоразм мақомларидан бир куйни эзиб-эзиб чалишмоқда. Мусиқа авжи анжуманга файз киритар, янада тантанаворлик бахш этарди. Мусиқанинг гўё адоғи йўқдек эди. Кимлар эшитмаган бу куйларни...

Муҳаммад ас-Саҳлий қабулхонада кутиб турганларни ичкарига даъват этди. Ёруғ ва кенг хона, шоҳсупада ҳукмдорнинг тилла суви юритиб ишланган тахти.

Шоҳ Маъмун ҳали ташриф буюрганича йўқ, уни кутишмоқда.

Ҳар кимнинг ўз ўрни бор, мутасадди кишилар уларни олдиндан белгиланган жойига олиб бориб ўтқазишмоқда. Меҳмонлар учун эса алоҳида жой тайёрланган. Белгиланган вақтда вазири аъзам билан бирга Мажлиси уламо аъзолари кириб келишди.

Бугунги анжуманнинг энг азиз меҳмони Ибн Сино! Навқирон ёшида улкан файласуф, қўли енгил ҳаким, илми теран аллома сифатида танилган. Замона зайли билан Бухоройи шарифдан Хоразм мулкига ҳижрат қилибдур.

Абу Райҳон Беруний улуғ риёзатчи — зукко юлдузшунос, билимдон муаррих, буюк адиб. Илм оламида унинг беназир рисолаларини билмаган одам йўқ.

Абу Наср Ироқ — риёзат, ҳандаса, табиат, жўғрофия фанлари бобида унинг олдига тушадиган аллома йўқ. Уни юнон олими Батлимусга қиёслаб иккинчи Батлимус ҳам дерлар.

Абу Хайр Ҳаммор — табобат илми соҳасида Жолинусга тенглашгулик ҳаким ва олим. Бир замонлар насоро динида бўлган. Айтишларига қараганда, тушида Муҳаммад алайҳиссаломни кўргандан сўнг, ислом динига кирган экан.

Абу Саҳл Масиҳий — етук файласуф, зукко олим. Алломалар ўртасида катта эътибор қозонган. Асли исми-шарифи Абу Саҳл Исо ал-Яҳё, Журжонда туғилган, Бағдодда таҳсил кўрган, кейин Хуросонда табиблик қилган, тарсо одам, Ибн Сино унинг асарларини ўқиган.

Мажлиси уламога тарихчи, аллома Ибн Мискавайҳ, шаҳар қозикалони Абу Наср, шайхул ислом, вазири аъзамнинг ўзлари, Абу Мансур Муҳаммад ар-Ролобий, Абу Абдуллоҳ ан-Найсабурий, Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий, Абдулҳаким Муҳаммад ас-Солиҳ Коший, Абу Муҳаммад Холид ибн ал-Хизр Хўжандий, Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим ан Нотилий, Шарафиддин Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф Исҳоқий ва яна бир қанча эътиборли алломалар аъзо, буларнинг раҳнамоси, бош мутасаддиси Хоразм шоҳи Маъмун эди.

Шу боис бу анжуман Маъмун дорилфунуни номи билан машҳури замондир.

Ибн Сино — ана шу олимлар силсиласида энг ёши ва етуги. Илм аҳли ҳақда кўп ривоят ва ҳикоятлар эшитишган, аммо ўзини кўришмаган. Хоразмлик алломалар учун Ибн Синони кўриш, сўзлашиш шарафли. Анжуманга тўпланганларнинг аксарияти оламга доңғи кетган ҳакимни шунчалик ёш, навқирон йигит деб ўйлашмаган.

— Мен сизни фиқх илми соҳасида билағон деб ўйлагандим, риёзатдин ҳам бохабар экансиз. Тағин кимёгар, тағин файласуф, устига-устак табиб, бу бир кишига кўплик қилмасму? — деди бироз кесатиброқ Абу Наср Ироқ.

Ибн Сино жавоб учун оғиз жуфтлаган ҳам эдики, унинг ўрнига Беруний жавоб қилди:

— Ибн Сино ҳаммадан бурун файласуф, кимё, алжабр, табиат илмидан ҳам хабардор, илмнинг кўп қирраларига оид ёзган рисолалари қўллардан-қўлларга ўтиб юрур, табобат соҳасида ҳозир унинг олдига тушадурғони йўқдур, десам янглиш бўлмас. Бу қиёсимдан Масиҳий ҳазратлари хафа бўлмаслар, деб ўйлайман. Нима қилса ҳам Ибн Сино содиқ шогирдлари-ку?!

— Жуда ошириб юбордингизлар, сизлар ўйлаганча эрмас, — деди бир оз хижолат чекиб Ибн Сино.

— Мени, афу этурсиз, ўзингизни камтарликка олмай қўяқолинг, довруғингиз баланддур, омад келганда ушлаб қолмоқ даркор. Азизим, бунинг устига ҳали сиз навқиронсиз, қани энди биз ҳам сиздек ёш бўлсак эди, — деди хўрсиниб Абу Наср ал-Ироқ.

Шу вақт ҳудайчининг овози келди:

— Буюк Хоразм шоҳи Абул Аббос Маъмун ҳазрати олийлари ташриф буюрдилар!

Мусиқа тантанавор янгради. Ҳамманинг кўзи эшик томонда. Сиймосида салтанат виқори мужассам бўлган Хоразм шоҳи мулозимлари билан кириб келди, ёнида вазири аъзам.

Шоҳ Маъмун ҳали ёш, эндигина йигирма иккига кирган. Келишган, жуссаси пишиқ, икки юзидан нур ёғиб турарди... Мусиқа садолари остида келиб тахтга ўтирди-да, сарой аҳлига қараб жой-жойларига ўтиришни ишора этди.

— Ҳазрати олийлари, пушти паноҳимизсиз, бахтимизга минг йиллар омон бўлғайсиз, Худойи таоло умрингизни зиёда қилсун, илоҳо мўмин-мусулмонларнинг бахтига салтанатингиз барқарор бўлгай. Ҳазрати олийлари, Сизнинг иноятингиз бирлан дунёга келмиш Мажлиси уламо ҳузурингизда ҳозир бўлмиш, ижозат этсангиз бу ерда жамулжам бўлган сарой аҳлига мажмуа ишлари хусусинда маълумот берсам, — деди вазир одоб билан.

Шоҳ шаънига ана шундай мақтов сўзларни айтиш подшоҳлар саройида расм-русум бўлган одат эди. Ўртага жимлик чўкди, барчанинг эътибори бутун Хоразм мулкини тебратиб турган олий зотга қаратилган. Шоҳ бу сафар вазири аъзамнинг бошқа сўзлашига йўл бермай, йиғилганларга мурожат этди:

— Аҳли уламою фузало, зуфунунлар,



сизларга бир сўровим бордир, ўйлайманким бул анжумандаги алломалардин тўғри жавоб олурмен. Қани, айтингларчи, оддий маъданни олтинга айлантириб бўлурму?

Тағин жимлик чўкди. Демак бугун мусоҳаба, илмий мулоқот шу хусусида боради. Йиғилганлар ҳар бири шоҳнинг бу саволига жавоб бермоғи даркор. Ҳамма билади, Хоразмшоҳ исботсиз, қуруқ жавобларга учадиганлардан эмас, асослаш керак айтилган фикрни. Мабодо жавобингиз унга хуш келса, яхши мукофотлар билан дилингизни хушнуд этгай. Қани, юрак ютиб биринчи ким чиқади? Сўров оддий, аммо кўп жиҳати мураккаб, билмасдан туриб гапиришга ҳеч ким ботинмасди.

Абу Носир ал-Ироқ изн сўраб ўрнидан турди, ҳар қалай шоҳнинг жияни эмасми, саройда ўзини эркин тута олади.

— Улуғ давлатпаноҳ, бир афтода фуқаройингиз, эҳтиром билан ҳурматимни изҳор этиб демоқчиманки, қадимий китобларда ёзилишича, алкимёгар, яъни сеҳргарлар маъдандан олтин ясашнинг сирларини топишган, аммо уни ишлаш усулларини, қўшиладиган кимёвий моддаларнинг номи, миқдори ҳақидаги маълумотларни яширганлар, сир-асрорини ёзиб қолдирмаганлар. Замонамиздаги кимёгарлар орасида бунақанги алломалар ҳозирча йўқдур. Биздан аввал, юз йиллар илгари ўтган кимёгар ал-Жобир Ҳайёоннинг рисолаларида бу хусусда ёзувлар бор, дейишади. Камина қулингиз ўша рисолани, тўғрисини айтсам, ўқимаганмен.

Сарой аҳли ўртасида бир оз ғовур-ғувур бўлди, мазкур масала ҳаммани қизиқтирарди, албатта. Шоҳ қизиқ масалани ўртага ташлади, бунинг боиси ҳам бор, йиғилганлар эртага чиқиб Мажлиси уламода муҳокама этилган гапларни мамлакат аҳлига етказишлари турган гап. Бу эса Маъмун уламолари кенгашининг обрў-эътиборига жуда катта таъсир кўрсатгай. Хоразмшоҳ атайин шу саволни ўйлаб топган. Зеро шу мақсадда бўлса керак, бугун анжуманга олимлар қаватида бу ишга муносабатдор жуда кўп одамлар ҳам чақирилган.

Абу Саҳл Масиҳий одоб ва эҳтиром билан ўрнидан турди, шоҳга қараб таъзим бажо келтирди-да, гап бошлади:

— Буюк адолатли шоҳимиз, сиз бу анжуманда қизиқ бир муаммоли саволни қўйдингиз, баъзи кўтоҳназар одамлар бунинг аҳамиятини тушунмайдурлар. Сиз айтган масала, албатта, алкимёнинг ишидир, биз файласуф, табибларнинг тишимиз ўтмайди, лекин шуни биламанки, устоз ибн Ироқ ҳақ гапни айтди, агар ўша йўқолиб кетган китоблар топилса, жумбоқ ўз-ўзидан ечилган бўлур эрди. Биздан илгари ўтган кимёгар аллома Розийнинг "Сирлар китоби"ни ўқиганим бордир, ўша рисолада ҳам шу масалада қимматли фикрлар баён этилмиш.

— Ўртамизда кимёгарлар, риёзатдан хабардор, шу ишга азимат қўйган алломалар бордур, нечун бу ҳақда ўйлаб кўрмайдурлар? — деб сўради шоҳ Маъмун ўтирганларга мурожат этиб.

Савол бир дақиқа жавобсиз қолди. Беруний Ибн Синога қаради. Ҳар ҳолда у шоҳга бир маъноли жавоб топиб берар деб ўйлади. Ахир бу иккала олим табиат фанлари бобида ҳам ўзаро қанча мунозара олиб бордилар. Боз устига Ибн Сино Хоразм шоҳига ўзини таништиб ҳам олиши керак! Беруний ҳам бу ҳақда кўп нарса билади, аммо шоҳ Маъмуннинг алломага унчалик хоҳиши йўқ.

Ибн Сино саволга жавоб бермоқчи эди-ю, лекин улуғ устозлар олдида тўсатдан чиқиб маҳмаданагарчилик қилишни ўзига эп кўрмай турди. Ҳаммор, Ироқ, Беруний ва бошқа илм бобида соч-соқоли оқарган олимлар ўтирибдилар. Берунийнинг имо-ишораси Ибн Синога далда бўлди. Ўрнидан туриб шоҳга мурожаат этди:

— Олампаноҳ, ҳазрати олийлари, мен Бухоро амири кутубхонасида кўп мутолаа қилганмен. Маълумотингиз учун шуни айтайким, унда илмий китоблар бисёр эрди, барчасини ўқиб чиқмоқ учун киши вақти ҳам, умри ҳам етмагай. Китоблар ичра Абу Ироқ, Масиҳий ҳазратлари айтган алкимёгарларнинг рисолаларини учратгандурмен. Мавлоно ал-Ироқ номини келтирган Жобир ибн Ҳайёоннинг рисоласини ҳам жуда қизиқиб ўқиганмен. Бироз рухсатингиз бирлан, ана шу ҳақда маълумот берсам, аҳли илм учун қизиқарли бўлур, деб ўйлаймен.

— Сўзлай берингиз, биз ахир шу мақсадда мунозара, мулоқот учун анжуман тузганмиз, — деди ас-Саҳлий Ибн Синони қувватлаб.

— Алкимёгар Жобир ал-Ҳайёоннинг ёзувларига қараганда, Аллоҳи таолонинг изми бирлан яратилган заминимиз бағрида икки хил буғланиш мавжуд: бирламчи, сувдан ҳосил бўладирган буғ, иккиламчи, ернинг ўз ичиндан кўтариладурғон қуруқ тутун — бухордир. Буғдан симоб, қуруқ тутундин олтингугурт бунёдга келур. Қизиғи шундаким, ана шуларнинг бирикмасидин турли маъданлар юзага келгай. Нега маъданлар хилма-хил бўлур? Бунинг сабаби ана шу ҳосил бўлган маъданларнинг турли нисбатда ва ҳар хил тозаликда бўлишидир. Фақат олтин билан кумушнинг таркиби ниҳоятда тоза, улар ер остидаги ҳаракат жараёнида етук нисбатда бириккан бўлурлар. Алкимёгар Ҳайёоннинг рисоласида мана шул ҳақиқат асосланган.

— Ҳайёоннинг фикрларини бизга яхши баён этдингиз, энди менинг сизга саволим шулким, биз ана шундай, тоза ва соф маъдан ярата олурмизму? — сўради Хоразмшоҳ Ибн Синога мурожаат этиб.

Шоҳ Маъмун бош силкиб давом этинг, дегандек ишора қилди.

Ибн Сино:

— Устозим Масиҳий жаноблари айтганларидек, биздан олдин ўтган кимёгар олим Розий бу соҳада кўп амал кўрсатди. "Сирлар китоби" рисоласини ўқиган бўлсангиз, Жобир сингари у ҳам иксир ёрдамида бир маъданни иккинчи маъданга айлантириш хусусида анчагина тажрибалар ўтказди. Розийнинг яратган маъдани кўриниш жиҳатидан олтинга ўхшаса ҳам, лекин ҳақиқий олтин эмасди.

Фикримча, бир маъданни иккинчисига айлантириш учун унинг таркибий қисмлари, яъни олтингугурт, симоб ва бошқа эритмалар орасидаги нисбатни ўзгартириш керак. Ваҳоланки, бизлар бу нисбатнинг қандай эканлигини билмаймиз, демак уни ўзгартиришга қодир эмасдурмиз. Бунга заминимизнинг ўзи қодирдир, булар ҳаммаси Аллоҳнинг иродаси билан бўладурғон табиий жараёнки, унинг сирларига инсон ақли ҳозиргача етолмайди.

Давра сув қуйгандек жимиб қолди, барчанинг диққат-эътибори бухоролик алломага қаратилган.

— Демак, сизнинг фикрингиз бўйинча олтинни кимё йўли билан сунъий равишда яратиб бўлмас, шундайми? — синчковлаб сўради Маъмун.

— Филҳақиқат, ҳазрати олийлари, мен айтдим, ўша ер қаъридаги улкан жонланиш, симоб билан олтингугуртнинг, яна турли маъданларнинг аралашуви жараёнида бирикмаларнинг сифатига қараб турли маъданлар юзага келур. Руҳ, пўлат, темир, мис кабилар, аммо олтин билан кумуш энг олий қоришмадан бунёд этилур. Унинг жадвали бизга сирлигича қолмоқда.

Бухорода бир алкимёгар бирлан учрашдим. Ул ўзи бир тарсо эрур, боз устига маъдандан олтин қилмоқчи бўлиб хўп уринган. Ўз кўзим билан кўрдим унинг ишларини. Олтин топмоқ йўлида жустижўй этиб ул шўрида бутун борушудидан, соғлиғидан ажралибдир. Менга олтинга ўхшаш, ўзи яратган олтин рангли жисмларни кўрсатди, лекин улар тилла эмас. Фақат бир сирни топа олмадим, бўлмаса ҳаммаси жойида бўлур эди, деб зорланарди. Демоқчиманким, маъдандан олтин ясаб бўлмас, агар мумкин бўлса, зуфунун донишлар аллақачон ишлаган бўлур эдилар. Унда жаҳонда энг арзон нарса олтин бўлур эрди, шунда одамлар ҳожат жойларини ҳам олтиндан ясаган бўлур эрдилар, хулосаким, маъдан олтин бўлмас, олтин эрса маъдан. Бу ҳақ гап. Аммо инсонлар ўз меҳнати бирлан маъданлардан бойлик, олтин келатурғон ноёб нарсалар яратурлар.

Ибн Сино шоҳга таъзим қилиб, ўрнига ўтирмоқчи бўлган эди, Маъмун унга мурожаат этди:

— Ўзингизни таништиринг, сиз ким бўлурсиз?

— Кечиргайсиз, мен бухоролик Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино бўлурмен.

Шоҳ Маъмун ўрнидан турди ва деди:

— Хуш келибсиз элимизга, ташрифингиз билан бизни муфарраҳ этдингиз. Сиз ҳақингизда кўп эшитганмен, қани, марҳабо, ҳузуримга келингиз!

Ибн Сино қўлини кўксига қўйиб, шоҳга миннатдорлик билдирди.

— Айтинг-чи, ҳозиқи замон, Бухоро кутубхонасига Ибн Синонинг ўзи ўт қўйибдур, деган овозалар тарқалмиш. Сиз ундан барча рисолаларни ўқиб олибдурсиз-да, кейин китоблардаги сиру асрорларни бошқа ҳеч ким билмасун деб, ўт қўйиб юборган эмишсиз, шу тўғрими?

Ибн Сино шоҳга қараб турди-да, ўша кезлари битган бир рубоийсини ўқиб берди:

**Қандай кишиларки, фазлимга ҳасад,**
**Ғийбатдан бошимга бўлдилар бало.**
**Камолу ҳикматим пастга урилиб,**
**Ҳар ерда нодонлик этдилар намо!**

Барча йиғилганлар баробарига бали, бали деб юборишди. Ибн Сино шоҳга ва мажлис аҳлига қараб таъзим-тавозе қилар, бир оз хижолат чекар, бундай вазиятда на бориб жойига ўтиришни, на шоҳ ҳузурида туришни билмай ҳайрон эди. Шунда шоҳ Маъмун вазири аъзамга ишора қилиб, заррин тўн олиб келишни буюрди. Мажлиси уламонинг бугунги кенгаши Ибн Сино учун обрў-эътибор олиб келди, бундан табиб бағоят хурсанд, кўнгли кўтарилиб, таъзим қила-қила жойига келиб ўтирди.

# ҲИНДИСТОН, ҲОМЕР ВА БЕРУНИЙ

Хоразм Маъмун академиясининг номлари бизга яхши таниш ва азиз бўлган қайси бир намояндаси фаолиятига назар ташласак, уларнинг том маънода қомусий билим соҳиблари бўлганини кўриб, ҳайратга тушамиз. Улар илм-фаннинг ўша даврда Шарқда кашф этилган барча соҳаларида чуқур из қолдирибгина қолмай, айни пайтда Ғарбнинг илмий ва бадиий тафаккуридан ҳам баҳраманд бўлганлар.

Ҳинд халқининг улуғ фарзандларидан бири Жавоҳарлаъл Неру қамоқхонадан қизи Индирага 1932 йил 24 июн куни йўллаган мактубида буюк ватандошимиз тўғрисида бундай ажойиб сўзларни ёзган эди: «Мен сенга султон Маҳмуд Ғазнавий тўғрисида ҳикоя қилган ва Маҳмуднинг илтимоси билан форс тилида «Шоҳнома» ёзган шоир Фирдавсий тўғрисида нималарнидир айтган эдим. Аммо мен сенга Маҳмуд замонасида яшаган ва у билан бирга Панжобга келган бошқа бир улуғвор инсон тўғрисида ҳеч нарса демаганман. Бу ўша даврдаги шафқатсиз ва фанатик жангарилардан кескин фарқ қилган маърифатли инсон ва олим Ал-Берунийдир. У бутун Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилиб, янги мамлакат ва унинг халқини тушунишга интилган. У ҳиндларнинг қарашлари билан танишишни шундай хоҳлаганки, ҳатто санскритни ўрганиб, ҳиндларнинг асосий китобларини ўқиб чиққан. У ҳинд фалсафаси, фани ва санъати Ҳиндистонда қандай ўқитилган бўлса, уларни шундай ўрганган. «Бхагавадгита» унинг том маънода севимли китоби бўлган. У жанубдаги **Чолалар** салтанатига борганида, у ердаги катта суғориш иншоотларини кўриб, ҳайратга тушган. Унинг Ҳиндистон бўйлаб қилган сафарлари йилномаси сайёҳларнинг бизгача етиб келган буюк қадимий китобларидан биридир. Вайроналар, қон тўкишлар ва ноаҳилликлар авж олган бир замонда у ҳақиқатни сабр-тоқат билан кузатувчи, ўрганувчи ва тушунишга интилувчи олим сифатида гавдаланади».

Чиндан ҳам, Беруний «Ҳиндистон» асарида жаҳондаги энг қадимий халқлардан бирининг тарихи ва маданиятини, ҳинд олимларининг таълимотларини чуқур ўрганиб, шу халқ руҳини ва у ҳақдаги ҳақиқатни тушунишга, унинг жаҳон тамаддунига қўшган ва қўшиб келаётган ҳиссасини яққол кўрсатишга эришди. У санскритни шундай мукаммал эгаллаган эдики, ҳатто шу тилда ёзилган «Панчатантра»нинг VIII асрда Абдуллоҳ ибн Муқаффа томонидан паҳлавийчадан араб тилига таржимасидан мутлақо қаноатланмай, уни имкон топганида аслиятдан қайта таржима қилмоқчи бўлган. Олим «Панчатантра»нинг мазкур арабча нусхаси муносабати билан аслиятдан чекинмаслик, унга бегона матнни қўшмаслик таржима санъатининг асосий шарти эканини бундан минг йил муқаддам илмий асослаб берган.

Афсуски, Берунийнинг адабий асарлари бизгача етиб келмаган. Унинг «Панчатантра»ни араб тилига қайта таржима қилган ё қилмагани ҳам маълум эмас. Аммо шу нарса аниққи, у адабиёт ва санъат назариясини яхши билган. Унинг эстетик қарашлари, мутахассисларнинг фикрларига қараганда, Аристотел ва Платон сингари юнон файласуфларининг асарларидан муайян даражада озиқланган. Санъат ва адабиётнинг пайдо бўлишини Беруний, юнон олимлари сингари, инсоният жамиятининг иқтисодий муаммолардан секин-аста юқори кўтарилиб, табиатдаги гўзалликни илғай бошлаш жараёни билан узвий боғлаган. Ана шу тарзда бадиий диднинг пайдо бўлиши билан жамиятда санъатга бўлган эҳтиёж кучайиб борганки, натижада санъат ва адабиёт кишиларга шодлик бағишловчи, улар руҳини кўтарувчи воситага айланиб борган.

Агар Берунийнинг кўпгина асарларида санъат ва адабиётнинг умумий масалаларига оид фикрлари баён қилинган бўлса, биз олимнинг «Ҳиндистон» асарига «Ҳиндларнинг грамматика ва назм тўғрисидаги китоблари» деган махсус бобнинг ҳам киритилганини кўрамизки, бу унинг ҳинд тили ва адабиётига айрича меҳр қўйганидан шаҳодат беради. Берунийнинг айтишича, ҳинд олимларининг грамматика ва назм (шеърият)га оид асарлари кўп бўлибгина қолмай, уларнинг аксар илмий асарлари назм билан, аниқроғи, шлока деб аталмиш қадимги шеърий вазнда ёзилган. Беруний шлоканинг вазн хусусиятларини мукаммал текшириб, уни аруз билан қиёслашга, унда ҳам ҳарф, товуш ва бўғин сингари фонетик ҳамда туроқ ва баҳр сингари лингво-поэтик унсурларнинг муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатишга алоҳида эътибор берган. Шу билан бирга, унинг кузатишига кўра, шлокада, аруздан фарқли ўлароқ, икки-уч ундош товушлар ёнма-ён келиши мумкин. Шлокада кўп тарқалган ўлчовлар тўртта бўлиб, уларнинг гуруҳланишидан туроқ ва баҳрлар ҳосил бўлади. Арузлаги сингари шлокада ҳам байтлар бўлиб, улар икки қисмга ажралади ва ҳар бир қисм *оёқ* деб аталади. Беруний *оёқ* тушунчаси тўғрисида тасаввур уйғотиш ниятида уни юнон шеърий вазни билан қиёслаб, бундай ёзади: «Юнонлар ҳам байтларни оёқлар, деб атайдилар. Сўзлардан таркиб топган оёқлар силлабий бўладики, бунда ундошлар унли билан ёки унлисиз... келади».

Берунийнинг қадимги ҳинд шеър тузилиши тўғрисидаги фикрларига тўхталишдан мақсад унинг юнон шеъриятини яхши билгани, шу шеърият намуналаридан хабардор бўлибгина қолмай, унинг назарий масалалари билан ҳам фаол қизиққанига эътиборни қаратишдир.

Беруний илмий меросидан яхши хабардор бўлган, шу меросни ташкил этган асарларда «Илиада»даги айрим мотивлар билан муштарак парчаларни кўрган рус ва Европа олимлари узоқ йиллар мобайнида Берунийнинг Ҳомер асарини ўқиганлиги масаласида баҳслашиб келганлар. 1941 йил қишида, Ленинграддаги қамал пайтида очлик ва хасталикдан вафот этган шарқшунос С.А.Жебелев 1915 йили рус олимлари орасида биринчи бўлиб шу масалага эътибор қаратган. Бундан анча аввал, XIII асрда Вена шарқшунослик мактаби намояндаси Венрих Ҳомер асарларидан ҳатто бирор каттароқ лавҳа ҳам ўша вақтгача араб тилига таржима қилинмаган деган. Лекин XIX асрнинг ўрталарида XII асрда яшаган Аш-Шаҳрастонийнинг дин тарихига оид асарида Ҳомер достонларидан олинган 38 ҳикматли сўзнинг берилганлиги маълум бўлган. Бироқ кейинчалик аниқланишича, бу ҳикматли сўзлар Ҳомер ижодига мансуб бўлмай, уларнинг аксар қисми Менандрнинг шеърий маҳсулоти экан. Шунга қарамай, XIX асрда «Минг бир кеча»даги «Синдбод саёҳатлари» билан «Одиссея»даги айрим бобларнинг қиёсий ўрганилиши Ҳомернинг араб тилига таржима қилинган ё қилинмаганлиги масаласига яна долзарблик бағишлади.

Бу масаланинг ечими эса атоқли рус шарқшуноси И.Ю.Крачковскийни анча вақтдан бери қизиқтириб келган «уч кўчирма» масаласига ойдинлик киритиши мумкин эди. Олимнинг айтишича, «Ҳиндистон» асарида келтирилган бу уч кўчирманинг иккитаси Ҳомернинг «Илиада», учинчиси эса «Одиссея» асаридан олинган. У «манбаи, айниқса, равшан ва ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди»ган сўнгги кўчирма тўғрисида бундай дейди:

«Ал-Беруний ҳиндларда руҳий мавжудотлар маскани бўлмиш етти самовий иқлимнинг мавжудлиги ҳақида бундай ёзади: «Юнонлар ҳам осмонни ана шу тарзда йиғинлар жойига айлантирганлар. Иоанн Грамматик Проклнинг (VI асрда яшаган муаллиф. — **Н.К.**) фикрини рад этиб, бундай дейди: «Баъзи бир диалектиклар сут*, арабчасига эса ал-Мажарра (Сомон йўли) деб аталган иқлимни ақл-идрокли мавжудотларнинг маскани, деб ҳисоблайдилар». Шоир Ўмир (Ҳомер — **Н.К.**) ҳам айтади: «Сен мусаффо осмонни тангрилар учун мангулик маскани этдинг. Уни шамол вайрон қилмайди, ёмғир ювиб юбормайди, қор кўмиб ташламайди, аммо унда булутсиз порлоқ бир шаффофлик мавжудки, булут шу шаффофликка соя ташлаган бўларди». Захау (XIX асрда яшаган шарқшунос олим. — **Н.К.**) сўнгги кўчирмага монанд сўзларни тополмаган, ҳолбуки, у «Одиссея»даги (VI, 42 — 45) Олимп тасвирининг қарийб айнан баёнидир:

**Дейдиларки, Олимпда**
**абадиян мустаҳкам**
**Тангрилар маскани бор;**
**уни бузолмас шамол.**
**Уни ювολмас ёмғир**
**ва унда бўлмайди қор,**
**Унда фақат булутсиз осмон бор,**
**оқ шуъла бор**».**

Чиндан ҳам, «Ҳиндистон» асарида Ҳомернинг кўчирма тарзида келтирилган тангрилар маскани ҳақидаги сўзлари билан шу сўзларнинг «Одиссея»даги бадиий ифодаси ўртасида мутлақо фарқ йўқ, десак хато бўлмайди. Бинобарин, Берунийнинг «Одиссея» достонини ўқигани ёки Ҳомер асарининг худди шу парчаси билан аслият орқали таниш бўлгани шубҳа уйғотмайди. Аммо айни пайтда биргина шу мисолга таяниб, Беруний Ҳомер ижоди билан бевосита таниш бўлган, дейиш ҳам тўғри эмас.

И.Ю.Крачковский давом этиб, яна ёзади:

«Илиада»дан олинган кўчирманинг манбаини белгилаш бир оз мушкулроқ, лекин бу ерда ҳам унинг юнонча матн билан алоқаси аниқ кўзга ташланиб туради. Бу нарса, бир томондан, Ал-Берунийнинг диққат-эътиборини ўзига тортган ҳиндча тасаввурларнинг мураккаблиги билан, иккинчи томондан, араб маданияти соҳиблари учун юнон мифологияси туғдирган катта қийинчиликлар билан изоҳланади. Ал-Беруний ҳиндларда беш унсур: осмон, шамол, сув, олов ва ер билан боғланган туйғулар функциясини текширар экан, осмон эшитиш ва эшитилмиш билан боғланади, деган ақидага тўхталиб ўтади. «Мен, — деб давом этади у, — улар товуш билан осмонни бир-бирига боғлаганларида, нимани кўзда тутганларини билмайман. Менингча, бу нарса юнонлар шоири Ўмирнинг: «Етти куй соҳиблари бирбирларига ёқимли товуш билан сўзлайдилар ва жавоб берадилар», деган сўзларига ўхшаб кетади. У (яъни Ҳомер — **Н.К.**) етти сайёрани кўзда тутган. Бошқа шоир айтганидек, «Ҳар хил куйоҳангли иқлимлар сони еттига бўлиб, улар доимо ҳаракат қилади ва Парвардигорни улуғлайди, зероки, Парвардигор уларни ушлаб туради ва юлдузсиз иқлимнинг олис чеккаларигача ўз бағрига олади». Менингча, етти рақами Ал-Берунийнинг етти самовий иқлимни етти муза(санъат) билан аралаштириб юборишига сабаб бўлганига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Борди-ю, шундай бўлиб чиқса, кўчирмада «Илиада»даги (I, 604) муза (санъат)лар тўғрисида сўз борган қуйидаги мисранинг мазмуни акс этганини кўриш мумкин:

**Бир-бирига ёқимли**
**товуш-ла жавоб бериб,**
**музалар куйлашади*****.

Бундай тушунишда Ал-Беруний келтирган кўчирма қарийб ҳарфма-ҳарф мос келади».

И.Ю.Крачковский «Ҳиндистон» асарида Ҳомердан келтирилган учинчи кўчирмани ҳам қиёсий ўрганиб, уни ҳам бевосита аслиятдан олинган, деб ҳисоблайди. Аммо олим: «Беруний юнон тилини билганми?» деган ҳамлетона саволга узил-кесил ижобий жавоб беришга шошилмайди.

Беруний сўнгги асарларининг бирида ёзишича, фалакнинг гардиши билан Хоразмга бир юнон келиб яшаб қолган экан. Ёшлик чоғлариданоқ билимга чанқоқ бўлган Беруний унга турли уруғлар, донлар, мевалар ва ўсимликларни олиб келиб, уларнинг юнон тилида қандай номланишини сўраб, ёзиб олган. Олимнинг фармакогнозияга бағишланган асари — «Сайдана»нинг майдонга келишига озми-кўпми ҳисса қўшган шу юнонни тадқиқотчилар табиб ёки аптекачи бўлган, деб тахмин қилишади.

Хуллас, айтиш мумкинки, ўз даврининг полиглотларидан бири ҳисобланган Беруний юнон тилидан илк сабоқни мазкур табиб ёки аптекачидан олган, кейинчалик Аристотел ва Платон тилини мукаммал эгаллаб борган. Унинг юнон тилини қунт билан ўрганиб, Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарларини бемалол аслиятдан ўқиганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

И.Ю.Крачковский ўз мақоласида яна бир нарсани катта мамнуният билан қайд этган: «Шу нарсани ҳам айтиш мароқлики, — деб ёзади олим Берунийнинг «Сайдана» асарини назарда тутиб, — у мазкур китобининг бир неча саҳифа қуйироғида Мисрнинг қадимий пойтахти Фива тўғрисида ёзар экан, Ҳомер уни ўз достонида тилга олганини айтиб ўтган».

Шубҳасиз, санскрит, иброний, сурёний каби кўплаб тирик ва ўлик тиллардаги асарларни бемалол ўқий олган Берунийнинг юнон тилини ҳам билгани, балки биз ўйлагандек, оламшумул воқеа эмасдир. Аммо бу факт қомусий олимнинг антик давр тарихи, фалсафаси, адабиёти ва санъатидан ҳам яхши хабардор бўлганини, унинг муайян илмий ғоя ва қарашларининг шаклланишида бу буюк манбанинг ҳам хизмати оз бўлмаганини кўрсатади. Шунинг учун ҳозир турли тилларни эгаллаб, шаклланиб бораётган авлодлар олдида буюк ватандошимизнинг илмий меросини қиёсий метод асосида ўрганиш, унинг Аристотел, Платон, Ҳомер сингари буюклар билан бир сафда туришини асослаш вазифаси туради.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

** И.Ю.Крачковский сут сўзидан олдин унинг юнон тили ва ёзувидаги нусхасини келтирган.*

*** Олим бу парчадан олдин ҳам унинг юнон тили ва ёзувидаги нусхасини келтирган.*

**** И.Ю.Крачковский бу ерда ҳам мазкур мисрадан аввал унинг юнонча нусхасини келтирган.*



*Бир асар тарихи*

# «ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ» КЎРГИЛИКЛАРИ

1966 йилнинг май ойи бошлари. Тошкент зилзиласидан кейинги нотинч, тўс-тўполон кунлар. Устоз адиб Абдулла Қаҳҳор 60 ёшга тўлиши муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти унинг олти томлик асарларини, «Ёш гвардия» нашриёти эса «Ёшлар билан суҳбат» китобини нашр этишни режалаштирган. Адиб, ўз одатига кўра, бўлғуси китобларига кирадиган асарларининг жиддий таҳрири билан банд. Шу орада у киши мени хонадонига таклиф қилиб, қўлимга 20 чоғли мақола рўйхати битилган қоғозни тутқазди ва: «Буларнинг қўлёзмалари сақланмаган. Кутубхоналарга бориб қидиришга вақтим бўлмаяпти. Шу рўйхатдаги нарсаларни топиб кўчириб берсанг. Уларнинг бир қисмини «Олти томлик»нинг 6-томига, муносибларини эса «Ёшлар билан суҳбат»га киритмоқчиман, — деди ва давом этиб: — Араб, лотин ёзувига қалайсан?», — деб сўради. «Эпласам керак, қийналсам ёрдам берадиган шогирдлардан бор», деб устозни хотиржам қилдим. Дарҳақиқат, рўйхатда араб ва лотин ёзувида чиққан 20—30-йилларга оид мақолаларнинг номлари ҳам бор эди. Ўтган йили университетни тугатиб «Маданият» газетасида иш бошлаган, болалик йиллари Шинжонда яшаб, ўқиб, арабча ёзувни пухта эгаллаган Ёқубжон Яквалхўжаевни ёнимга олиб зилзилада дарз кетган «Турон», Навоий номидаги ва университетнинг Асосий кутубхоналарида ўтириб, икки-уч кун ичида рўйхатдаги барча мақолаларни топиб, кўчириб, талабчан адиб олдида хижолатга қолмаслик учун кўчирилган матнларни аслиятга қайта-қайта солиштириб чиқдик. Муҳим бир ҳол: адиб берган рўйхатда мақолалар босилган нашр манбалари ҳам кўрсатилган, улар ёнига «тахминий» деган сўз қайд этилган эди. Шуниси қизиқки, «тахминий» дейилган манба ва саналарнинг барчаси аниқ бўлиб чиқди: рўйхатда кўрсатилган нашрларни қўлга олиб, очиб кўрсак, ҳаммаси ўз ўрнида. Шунда мен бу аломат алломанинг хотираси ниҳоятда тиниқлигига тан берганман.




Кўчирмаларни олиб бориб берганимда «Мунча тез!», деди устоз ва миннатдорлик билдириб давом этди: «Ёш гвардия» директори Сотиболди ниҳоятда одобли, интизомли йигит. Яхши бўлди. «Ёшлар билан суҳбат»ни ваъда қилинган кундан олдинроқ олиб бориб унинг қўлига тутқазадиган бўлдим».

Айни шундай бўлди. Директор Сотиболди Йўлдошев китоб қўлёзмасини мамнуният билан қабул қилиб олди. Яқингинада университетни тугатиб ишга келган, илк ижодий машқлари билан Қаҳҳордек талабчан устоз назарига тушган ёш ёзувчи Шукур Холмирзаевни китобга муҳаррир этиб тайинлади, таниқли мунаққидлар — «Қаҳҳор одамлари»дан М.Қўшжоновни китоб учун махсус сўзбоши ёзишга, О.Шарафиддиновни эса, масъул муҳаррирликка кўндирди. Иш юришгандан юришиб кетди. Ҳаммаси тахт бўлиб, қўлёзма 1967 йилнинг бошларида босмахонага топширилди, шитоб билан терилиб босишга тайёр бўлди, таомилга кўра «лит» деб аталган қилкўприкка етганида, бирдан ишкал чиқиб ҳаракат тўхтаб қолди. Орадан бир неча кун ўтиб китобнинг босма саҳифалари нашриётга қайтиб келди; унинг деярли ҳар бир саҳифасининг ҳошияси савол аломатлари, таҳдид, дағдағали сўз ва жумлалар билан тўлиб-тошган эди. Бутун-бутун абзац, саҳифалар, кўп мақолалар устига чизиқ тортилиб уларни олиб ташлашга амру фармон берилган эди... Редакция раҳбарияти китоб муаллифи Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткори рухсатисиз бунақа қўпол таклиф, аниқроғи, буйруққа рози бўлолмасди. Маслаҳатга кўра, муҳаррир қўлёзмани қўлтиқлаб адиб ҳузурига борди, бор гапларни унга дангал айтди. Бунақа машмашаларни кўраверib пишиб кетган адиб «Икки-уч кун ичида кўриб қўяман. Келиб олиб кетарсан», дея кўзи жовдираб турган Шукурни юпатди. Дарҳақиқат, адиб ваъда қилган муддат давомида ҳошиядаги қайдлар асосида қўлёзмани «қайта ишлаган» бўлди, кескин таҳдидга учраган жумла, абзац, мақолалар ўрнини бошқа — улардан-да кескинроқ жумла, абзац ва мақолалар билан тўлдирди. Муаллиф билан «лит» орасидаги бунақа жанг ўйини яна уч бор такрорланди. Бу орада Сотиболди Йўлдошев бошқа ишга ўтди. Нашриётга янги келган бошлиқнинг журъатсизлиги туфайли нашр иши яна тўхтаб қолди. Адиб юбилейига тўёна тарзида адабиёт ва санъат нашриёти «Олти томлик»нинг икки китобини тақдим этди. Аммо «Ёш гвардия» ваъда қилган жажжигина китобча чиқмай қолди.

Кимларнингдир аралашуви туфайли юбилейдан кейин «Ёшлар билан суҳбат» устидаги иш яна давом этди; адиб уни яна қайта кўриб бир қанча янгиликлар билан тўлдирди. Ниҳоят, янги — 1968 йил бошларида адиб хонадонида Озод ака, Матёқуб ака, Шукур ва камина маслаҳатга тўпландик. Бу кезлари Абдулла ака оғир хаста, ранги афтодаҳол, кўнглига қил ҳам сиғмайди. Шундай бўлса-да, ўзларини дадил тутиб, Шукурнинг қўлидаги қўлёзма жилдига ишора қилиб: «Хўш, яна қандай даъволари бор экан?», дея истеҳзоли савол бердилар. Шукур: «Бу сафар унча кўп эмас», дея даъво, таклифлар тўғрисида маълумот бера бошлади. Бошда иш хийла силлиқ кечди. Муросаю мадора деганларидек, кўп шов-шувларга сабаб бўлган 60 йиллик юбилей тантанасида сўзланган нутқ матнини тушириб қолдиришга муаллиф розилик билдирди. Бироқ ўша матн ўрнига «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!» деган афористик жумлани киритишни таклиф этди. Бу таклиф даврадагиларнинг ҳаммасига маъқул тушди.

Босма саҳифалардан бирининг ҳошиясида саволлар қўйилган ёзувчи қайдларидаги «Адабий танқидда лаганбардорлик вужудга келаёт»гани, «Нотавон асар адабиётнинг чўққиси бўлаёт»гани, «Пахта далаларида одамларнинг ўлгани", аёллар майиб бўлиши, "болаларнинг пачоқ бўлиб ўсиши»га оид кескин жумлалар тушириб қолдириладиган бўлди. Яна, бир саҳифада ёнига савол ва хитоб аломатлари чекилган мана бундай жумлалар бор эди:

«Мамлакатимизда Сталиндан сўнг узундан-узун момоқалдироқ бўлди-ю, ўтди. Бу момоқалдироқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта орзу-умидлар уйғотди, халқлар бунинг кетидан келадиган оби раҳматни кутди, бироқ момоқалдироқ, шамол тўполон қилди-ю, оби раҳматдан бир томчи ҳам томмади».

Ажаб, давр ҳақида бу қадар қаҳр билан топиб айтилган кескин айбномани тушириб қолдиришга муаллифнинг ўзи рози бўлди.

Бироқ охирги мулоҳаза «Евтушенко сингари шоирлар, ёзувчилар кўнглида борини айтаётибди, холос, шунга мунча шовқин? Ахир, булар кесак эмас-ку, ўт чиқса нима қипти!» деган қайдга нисбатан эътирозга келганда, адибнинг пешонаси тиришиб тоқати тоқ бўлиб: «Агар шу гаплар ҳам ўтмайдиган бўлса, китоб чиқмай қўя қолсин. Папкани қолдириб кетавер», деди. Бу қайд қолдириладиган бўлди...

Шундай қилиб, 1967 йилнинг 16 февралида босмахонага топширилган 6 босма табоқли тўплам шу хил машмаша, борди-келдилардан сўнг орадан бир йилу беш кун ўтиб 1968 йил 21 февралда босишга рухсат этилди.

Бу ёғи нима бўлгани ўқувчиларга маълум. «Ёшлар билан суҳбат» адиб вафотидан сўнг китоб бўлиб чиқди. Ўттиз минг нусхада чоп этилган китобча китоб дўконларига етиб борар-бормас муаллиф оёқ тираб туриб ўтказган бояги икки жумла қалтис гап учун таъқибга учради ва йиғиштириб олинди...

**Умарали НОРМАТОВ**

*Доимий ҳамроҳ*




Таниқли мунаққид ва ёзувчи Отаули (Раҳимжон Отаев) адабий-танқидий мақолалари, илмий-бадиий асарлари, айниқса, “Осмон тўла юлдузлар (Туйғулар ҳақида суҳбат)” номли фалсафий эссеси билан ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида адабий жамоатчилик эътиборига тушган эди. Мустақиллик йилларида бу фаол ижодкор “Тилсим (Туркистон достони)”, “Элчи (Афанди ўлмайдиган бўлди)” ва “Улус (Форобийнинг дўсти)” асарларини ёзиб, чоп эттирди. Таржимон сифатида қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қаипбергеновнинг бир қатор асарларини қорақалпоқ тилидан, қозоқ ёзувчилари Абиш Кекилбоев ва Мухтор Мағавиннинг қиссаларини қозоқ тилидан, эронлик адиб Муҳаммад Али Жамолзоданинг “Шўробод” асари ва бошқа айрим асарларни рус тилидан ўгирди.

Яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида Отаулининг ***“Замона зайли”*** номли насрий достонлар ва ҳикоялар тўплами нашрдан чиқарилди. Китобга ёзган сўзбошида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов тўпламдан жой олган “Замона зайли” асари ҳақида шундай дейди: “Менинг назаримда, мазкур асар файласуф замондошимиз — мантиқшунос олим хусусидаги психологик романгина эмас, кўз ўнгимизда рўй бераётган оламшумул воқеалар, мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари ва руҳимизда кечаётган жараёнлар ўзига хос тарзда идрок этилувчи мушоҳадаларга бой фалсафий роман ҳамдир”. Асар бош қаҳрамони Аҳмадали Бобожонов замондошларимизнинг инсоний фазилатларини ўзида мужассам этган ва комилликка интилиб яшаётган маънавий дунёси бой қаҳрамон сифатида китобхон меҳрини қозонади.

Тўпламдаги “Улус (Форобийнинг дўсти)” жаҳонга машҳур аждодимиз Абу Наср Форобий ҳақида бўлиб, унда буюк файласуфнинг руҳий олами, дунёқараши, туркий халқлар равнақи, бутун башарият истиқболи йўлидаги ибратли ҳаёти моҳирона ёритилган. Шунингдек, китобга киритилган муаллифнинг “Қалб дарчаси”, “Мунożот”, “Отнинг қашқаси” сингари ҳикоялари миллий руҳиятнинг турфа жиҳатлари таҳлили билан китобхонларга манзур бўлади.




Муаллифнинг Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти томонидан чоп этилган ***“Руҳият эҳроми”*** эссеси бадиий ва илмий асардек қониқиш билан ўқилади. Эссенинг таркибидаги “Руҳий асос талқини”, “Руҳоният ва руҳшунослик”, “Руҳий ҳолат таҳлили”, “Руҳий қадрият” ва “Миллий руҳ” сарлавҳали мақолалар нафақат ҳаёт ва адабиётдаги муайян ҳолатларни кашф этишга кўмаклашади, балки айни пайтда бадиий тафаккурингизни, туйғуларингизни бойитади.

Таниқли адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров “Соҳибдил ўйлар (“Руҳият эҳроми” эссесини ўқиб...)” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: “Биз кўпинча моддий дунёдаги моддий эҳромларни алқаб келамиз. Лекин дунёдаги энг буюк эҳром ҳар биримизнинг ўзимиздадир, у руҳият эҳромидир, демоқчи бўлади муаллиф. Ҳар бир инсон ўз руҳият эҳромини бунёд этмоғи, уни асраб-авайламоғи, ўрни келганда унга, ҳатто, сиғинмоғи лозим. Бироқ у ўз-ўзидан бунёд бўладиган эҳром эмас. Бу эҳромни ташкил қилувчи нурнинг бир учи олис-олисдаги аждодларимиз руҳига бориб боғланади. Бу руҳият эҳромини бунёд этишда адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёсдир. Раҳимжон Отаев ушбу китобида шулар ҳақида фикр юритади, ўрни келганда баҳслашади”.

“Руҳият эҳроми” китобига Л.Бўрихон муҳаррирлик қилган. Нашрни А.Мамасолиев безаган.

*Журналларни варақлаганда...*

## “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2006 йил 5-сон

Журналнинг янги сони Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган Эргаш Очиловнинг “X — XII асрларда Мовароуннаҳрда араб тилидаги адабиёт” сарлавҳали мақоласи билан очилади. Унда муаллиф ўша даврда араб тилида ижод қилган адиблар ва шоирлар ижоди, қасида, васф, марсия, маснавий, қитъа сигари жанрларнинг ривожланиш жараёнлари; шунингдек, араб тилидаги шеъриятда ҳажвиянинг муҳим ўрин тутгани ҳақидаги илмий кузатишларини баён этган.

“Адабиётшунослик” рукнида Матқул Жўраевнинг “Палеоосиё мифологик сюжетлари ва уларнинг археофольклористик талқини”, Қодиржон Эргашевнинг “Тарихи мулки Ажам”да тарихий ҳақиқат ва афсонавий-романтик талқин”, Илҳомбек Қурбонбоевнинг “Поэтик тилнинг услубий хусусиятлари” мақолалари билан танишасиз.




“Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг шу йилги 3-сонида Азим Ҳожиевнинг “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мақоласи эълон қилинганди. Ушбу сонда шу мақоланинг давомини ўқийсиз. Унда олим ўзбек тили қурилишига оид тил бирлиги (лисоний бирлик) ҳисобланаётган *қолип* бирлиги масаласида мулоҳаза юритган. Шунингдек, журналнинг мазкур сонида Д.Набиеванинг “Лексик сатҳ ва унинг бирлиги”, С.Муҳамедованинг “Ўзбек тилидаги ҳаракат феъллари семантикасининг валентликка таъсири” мавзуидаги тадқиқотлари билан танишасиз.

Мумтоз адабиётнинг турли муаммолари таҳлилига ҳамда тилшуносликнинг муҳим масалаларига бағишланган бир неча илмий ахборотлар ўқувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. Жумладан, О.Жўрабековнинг “Фузулийнинг “Сув қасидаси”, С.Ўтановнинг “Алишер Навоий лирикасида сариқ ранг семантикаси”, Азиза Бектошнинг “Манқабати Шайхи Кабир” ҳақида”, З.Қобилованинг “Амирий ғазалларида маънавий санъатлар” мақолалари ана шундай синчковлик билан амалга оширилган тадқиқотлар сирасидан.

“Мерос” рукнида “Олтин ўрик” асарининг давоми билан танишасиз.

